БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 12 июнь Сешанба
№ 111 (13.547).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Бизнинг мусоҳаба

Пиримқул СОБИРОВ: «У кунларни унутиб бўлмас...»

Пиримқул СОБИРОВ собиқ «афғон». Бугунги кунда Ургут ноҳия комсомол қўмитаси саркотиби бўлиб ишламоқда. У етакчилигида комсомол қўмиталарида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

— Сиздан ҳар доим «Афғонистондаги хотираларингиздан гапириб беринг», — деб сўрайман. Бу сиз учун жуда-жуда қийинлигини сезаман. Негаки, «ўша ёқдаги» унут бўлмаган кунларингиздан сўзламайсиз. Афғонистондан қайтмаганлар ва омон қайтган дили хасталар учун Ургутда қилинаётган хайрли ишларни эшитсам, нимагадир хаёлимга бир фикр келаверади. «Табиб табиб эмас, бошидан кечирган табиб», — деб бежиз айтишмайди. Бири-бирини етаклаб келувчи бу хайрли ишлар барибир сизнинг ҳам собиқ «афғон»лигингизга бориб тақалаверади. Балки мен нотўғри фикрдадирман-а!

— Афғонни унутиб бўлармикин? Лоақал бир кунини. Юракларга ўқ бўлиб қадалган. Ўқни олишса-да, жароҳати битмас. Мен армияга олий ўқув юртини тугатганимдан кейин чақирилган эдим. Ўша ерда КПСС аъзолигига номзодликка қабул қилиндим. Ўттиз икки киши ўрнига ўн саккиз йигит қолиб, хизматнинг аччиқ-чучугини дўстлар билан биргаликда бошдан кечирдим. Она юртим тоғлари, булоқлари, боғлари, одамлари ҳақида чуқурроқ фикр юритадиган воқеаларни кўрдим. Ҳаёт ва жаҳаннам, шодлик ва ғам, тириклик ва ўлим, маънилик ва бемаънилик орасидаги масофани кўргандай бўлдим. Севимли ёзувчимиз Пиримқул Қодировнинг «Бобур» асарини ўша ерда талашиб-тортишиб ўқидик. Китоб қайғуларни озгина бўлса-да, унутишга ёрдам берарди.

Яна нималарни айтай? Хотиралар жуда кўп-да. Ҳеч бўлмаганда фарзандларим учун, деб кундаликка туширмоқдаман. 1987 йил февралда ноҳиямиздаги икки юз чоғли «афғон» йиғилишиб, жумҳуриятимизда биринчилардан бўлиб байналмилал аскарлар уюшмасини туздик. Унга Холиқберди Азиммуродовни раис қилиб сайладик. Унинг ташаббуси билан биринчи бўлиб Афғонистонда ҳалок бўлган икки йигит қабрига кичик ёдгорлик ўрнатилди. Шундан кейин собиқ аскарлар ҳар хил масалаларда тез-тез келиб, суҳбатлашиб кетадиган бўлишди. Суҳбатлар бекорга кетмади. Кейинги қилинадиган ишларимиз пойдеворлари ҳосил бўла бошлади. Ўқувчилар собиқ аскарларни мактаблардаги учрашувларга таклиф қилишади, уларни тинглашади. Бу баъзилар учун оддий бир ҳолатдир. Лекин мен учун ана шу эътиборнинг ўзиёқ ҳар қандай имтиёздан юқори туради.

— Ургутда жумҳуриятимизда биринчи бўлиб уруш қурбонларига ёдгорлик ўрнатилди. Ёдгорлик аскар йигит ва унинг елкасига қўнган оқ кабутар тимсолида. Ўшанда собиқ саркотиб Маъмуржон Мирзаев жуда кўп тасвирлар ичидан мана шу кўринишдагисини танлаб олганликларингизни айтган эди. Ёдгорликни кўрганда нималарни ўйлайсиз! Собиқ «афғон»га бу қандай таъсир қилади!

— Ёдгорликни бир ой ичида комсомол-ёшларимиз ишлаб топган 37 минг сўм маблағга ноҳия раҳбарларидан тортиб, мактаб ўқувчиларигача ҳашарда қатнашиб битказдик. Маъмуржон ёдгорликнинг остки қисми тепадан қараганда комсомол нишонига ўхшаса, ундан ташқари ўшанда ҳали тугамаган афғон уруши қатнашчиси — совет аскари тинчликни истаётганлигини билдириб турса, деган таклифни киритди. Кейинчалик тайёр бўлган бир неча тасвирлардан ҳар ким ўзича талқин қилса ҳам кўпчиликка шу маъқул тушди.

Ёдгорликни кунига икки марта — ишга бораётганимизда ва қайтаётганимда кўраман. Биласизми, Афғонистонда хизмат қилган ҳар бир йигит кўпинча бу воқеаларни уйга борганда гапирарман, ҳозирча яхши гапларни ёзай, деб ўйлаб, хотираларини қайтгандан кейин гапиришга қолдиради. Лекин бу хотираларни гапириш ҳаммага ҳам насиб этавермади, насиб этганларни тингловчилар ҳамма вақт ҳам тушунавермади.

Сўнгги урушда қатнашган совет аскарлари елкасига қўнган тинчлик кабутари кейинги барча авлодларга тинчлик келтирсин. «Биз кўрдик, сизлар кўрмангизлар», — деган оталаримиз ўтинчини биз, «афғонлар»дан кейин айтадиган авлод бўлмасин.

— Ургутда юракларни эзиб, сув қилиб юборувчи фожиа бор, деб биламан. Қиз-жувонларнинг ўз жонига қасд қилиб, ўт қўйишлари. Тўғри, бу фожиа бошқа ноҳия ва вилоятларда ҳам учрайди. Лекин Ургутдагидай кўп эмас. Мен ана шундай йўлни танлаганларга ачинмаслигим ҳақида чиқиш қилган эдим. Бироқ, ҳозир ҳам ўша фикримда турган ҳолда ҳали турмуш ташвишлари, оиланинг «аччиқ-чучуги»ни таътиб кўрмаганлигим учунми, андак иккиланаётгандай бўлаяпман. Мана сиз оила бошлиғи, ёшларнинг етакчиси сифатида бу фожиага қандай қарайсиз! Бир суҳбатда «Мен эркакларни айблайман. Биз аёлларимизни авайлашни унутиб қўйдик», — деган эдингиз.

— Ўзига-ўзи ўт қўйиш ҳолатларини биз кўпинча «чуқур» ўрганиб чора кўрдик. Яъни шу жойдаги раҳбарларнинг деярли ҳаммасини ишдан олишдан тортиб, энг сўнгги фирқавий, комсомол чораларигача бериб жазоладик. Ҳамма иш шу билан тугади, десам хато бўлар. Аёллар турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий муаммоларни ечиш, оилалар даромадини яхшилаш — бу масалаларга бугунги кундагина эътибор берила бошланди. Хотин-қизларимизнинг атрофидагилари унинг жуда қийин шароитда яшаётганлигини кўриб, билиб юрадилар. Афсуски, лоқайдлик жамиятимизда кечириб бўлмас ҳолатга айланди. Ёш хотин-қизларимиздан комсомол фаоллари, бутун жамоатчилик, жойларда дугоналари доимо хабардор бўлиб туришларини истардим. Ҳозирча хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланишга мажбурмиз. Шундай экан, имконият даражасида уларга эътиборли бўлиш керак, деб ҳисоблайман. Лекин шу билан бирга ўзига ўт қўйган аёлларимизни мутлақо оқламоқчи эмасман. Ундайларни фикридан қайтариш йўлларини топишимиз керак. Мен шундай воқеадан кейин қолган хотин-қизларимизнинг бир нечтаси билан учрашганман. Бу олдингидан ҳам юз чандон ортиқ қийинчиликлар, пушаймон демакдир. Менинг аёлларимизга, сингилларимизга ўтинчим бор: умрингизни беҳудага хазон этманг.

— Ургутда кўпроқ тамаки етиштирилади. Демоқчиманки, комсомол тамакичилик ишлари билан шуғулланувчи ёшлар орасида фаолият олиб боради. Бу қандай қийинчиликлар туғдиради! Оғир меҳнат ёшларнинг, айниқса, мактаб ўқувчиларининг билим олишига салбий таъсир кўрсатмайдими!

— Тўғри, оилавий пудрат Ургутда олтмишинчи йилларда ташкил этилган. Мана шунинг ўзи жуда кўп ижобий натижалар билан биргаликда ниҳоятда хилма-хил иқтисодий, маънавий, маданий муаммоларни келтириб чиқарганки, менимча, бу муаммоларни ечишга ҳозирги ноҳия раҳбарлари биринчи марта жиддий ишга киришмоқдалар. Тамакининг харид нархи кўриб чиқилмоқда. Экин майдонлари камайтирилиб, мевали боғлар кўпайтирилмоқда.

— Сизларда хотин-қизларни жамоат ишларига тортиш мушкуллиги ҳақида кўп эшитганман. Нима учун! Ёки ҳалиям «аёллар ичкари ҳовлининггина соҳибаси бўлиши лозим»,— деган ақидага амал қилинадими!

— Бу ерда муҳим омиллардан бири бояги айтган тамакичиликдаги оила пудратининг катта маънавий таъсиридир. Ҳар оиланинг алоҳида ҳаёт кечириши улар ўртасидаги муносабатларнинг камайишига олиб келди. Айниқса, тамакида хотин-қизлар меҳнати катталиги уларни маънавий жиҳатдан қашшоқ қилиб қўйди, деб ўйлайман.

— Ноҳия комсомолларининг конференциясида иштирок этганимда 40-мактаб ўқувчиси Инобат Худойқулова мактаблари қулаб тушай деб турганлиги ҳақида гапирган эди. Орадан анча вақт ўтди. Ўша мактабда бирор яхши ўзгариш бўлдими!

— Ургут жумҳуриятимиздаги энг йирик, аҳолиси зич жойлашган ноҳия ҳисобланади. Энг сўнгги маълумотларга қараганда, аҳоли ўсиши йилига 13 минг кишини ташкил этмоқда. Бу ҳар йили ўнлаб мактаб ва бошқа болалар муассасалари қуриш лозимлигини тақозо этади. Кўпларда ургутликлар бой, колхозлари миллионер деган таассурот бор. Шу сабабли кўп йиллар давомида вилоят, жумҳурият ташкилотлари томонидан турли объектлар — мактаб, тиббиёт, муассасаларини режалаштиришда кўпроқ эътибор пахтакор ноҳияларга қаратилган.

Гапимни баъзи рақамлар билан тўлдирмоқчиман. Тиббиёт соҳасида ўринлар сони вилоят кўрсаткичларидан икки баробар кам. Ғаз билан таъминлаш вилоят кўрсаткичи 33 фоиз, бизда 0,8 фоиз, болалар боғчалари билан таъминлаш вилоятда 34 фоиз, бизда 16 фоиз. Мактабларни олайлик, мавжуд 102 мактабнинг 98 фоизида ўқитиш ишлари тўлиқ икки сменада олиб борилмоқда. 92 фоиз мактаб мослаштирилган биноларга жойлашган. Маиший хизмат, маданият, спорт ва бошқа соҳалардаги муаммоларни олсак, жумҳурият ҳокимият органлари ноҳияга алоҳида эътибор беришлари лозимлиги кўриниб қолади.

Ноҳияда бу муаммоларни тугатиш ишлари секинлик билан бўлсада, амалга оширилмоқда. 1989 йилда 4,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлса, шу йилнинг ўзида бу 10,2 миллионга кўпроқ режалаштирилган. Ноҳиядаги барча қурилиш ташкилотлари тўғри жумҳуриятга бўйсунувчи қурилиш трестига бирлаштирилди. Асосий эътибор мактаблар ва болалар боғчалари қурилишига қаратилмоқда. 40-мактаб аҳоли ундан ҳам ёмон бўлган мактаблардан кейин қурилади.

— Бугунги муаммолар гирдобида ўтказилаётган кунимизда, сизнингча, комсомол қўмиталарининг ожиз жиҳатлари қайсилар!

— Комсомол ишида кўп йиллар давомида аниқ йўналишнинг бўлмаганлиги комсомол аъзоларининг комсомол қўмиталари атрофида жипслаштиришни, уюштиришни қийинлаштириб қўйган. Натижада комсомолда ишлаётган кўпгина фаолларимиз мавжуд танг ҳолатдан чиқиш йўлини ВЛКСМ Уставини ўзгартириш, ҳар хил ҳаракатномалар тузишдан қидирмоқдалар. Демократия ва ошкоралик шароитида комсомол қўмитасида ишлашни пиллапоя, деб билган ходимлар аста-секин чиқиб қола бошладилар. Аввалгидек вазифаларга амал қилинмаса, ёшлар комсомол қўмитасини ўзлари учун ҳаётий зарурат эканлигини ҳис этмасалар қўмитанинг ҳолига вой.

— Комсомол бундан кейин ҳам яшаб қолмоғи учун нима қилиши керак!

— Ҳали айтганимдай, бунинг учун ёшларни ташвишга солган муаммоларни ҳал қилишга қодир бўлиш керак. Биз бу борада маълум тажрибага эришдик. Замонавий спорт турлари билан шуғулланишни истовчи ёшларимиз ноҳия комсомол қўмитаси қошидаги ёшлар марказига қарашли 5 та десантчилар клубларида шуғуллана бошладилар. Шаҳарлардаги замонавий ҳарбий шаҳарчаларда машқ ўтказишни хоҳловчилар учун ташкил этилган пайвандлаш цехимиз ҳарбий спорт шаҳарчасини қуриб бермоқда.

Ноҳияда тиббиётнинг аҳволи оғирлиги, замонавий асбоб-ускуналар етишмаслигини ижтимоий аҳамиятга молик иш деб белгиланиб, шаҳар шифохонасига комсомол маблағидан 33,2 минг сўмлик япон аппаратини сотиб олиб бердик. Юздан ортиқ саломатлигига зиён етган байналмилал аскарлар, ёш оналар имтиёзли даволандилар. Мана шунга ўхшаш амалий ишлари бўлган комсомол котиби ҳар қандай ёшлар билан баҳслаша олади.

— Комсомол қўмитасида ишлаётганингиздан афсусланмайсизми!

— Йўқ, фахрланаман. Режалаштирилган баъзи юмушларни амалга оширганини кўрсам бу фахр янада ошади, ҳозирги кунда хўжаликларда 12 гектар ер олиб, хўжаликлар, комсомол қўмиталари раҳбарлигида комсомол боғлари ташкил этиш ишларини бошлаб юбордик.

Суҳбатдош: Гули ЧЕҲРА.
«Ёш ленинчи» мухбири.

Долзарб мавзу

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Бу йил жумҳуриятнинг педагогика олий ўқув юртларига кирадиган абитуриентларни кўпгина янгиликлар кутмоқда. УЗТАГ мухбири Л. Струкникова Ўзбекистон ССР халқ таълими вазири К. Ю. ЮСУПОВдан педагогика олий ўқув юртларига қабулнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Суҳбатни педагогика институтларига катта ҳуқуқлар берилганлигидан бошлайман. Эндиликда имтиҳонлар ва абитуриентлар билан суҳбатлар қандай шаклда ўтказилишини, мактабни битирган ёки ишлаб турган ёшларнинг олий ўқув юртларига киришга нисбатан қандай талаблар қўйишни олий ўқув юртларининг ўзи ҳал этади.

Имтиҳонлар 16 июлдан бошланади. Кўпгина олий ўқув юртларининг қабул комиссиялари мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари ва педагогика билим юртларини тамомлаган истеъдодли ёшлар орасидан бўлажак талабаларни излаш билан боғлиқ катта ишларни бажардилар.

Олий ўқув юртлари белгилайдиган айрим ихтисослар бўйича қабул комиссияларига олтин (кумуш) медаль билан тақдирланган битирувчиларни, шунингдек, ҳунар-техника билим юртлари ва педагогика билим юртларини имтиёзли диплом билан тамомлаган ёшларни кириш имтиҳонларисиз қабул қилишга рухсат берилди. Ана шу абитуриентлар билан фақат суҳбат ўтказилади. Жумҳурият мактаб олимпиадаларининг ғолиблари, иккинчи совриндорлари олимпиада предметига мос келадиган ихтисослар бўйича ўқишга кирсалар, улар имтиҳонсиз қабул қилинадилар. 3-ўринни олган ўқувчилар, шунингдек, вилоят олимпиадаларининг ғолиблари олий ўқув юртига ёки билим юртига кириш чоғида ихтисос бўйича имтиҳон топширишдан озод қилинадилар. Қолган кириш имтиҳонларини умумий асосларда топширадилар.

Математика ёки табиий фанлар бўйича ихтисосликни танлаган абитурентлар учун пед-институтларнинг қабул комиссияларига диктант шаклида она тили ва адабиётдан ёзма имтиҳон ўтказишга рухсат берилди. Гуманитар факультетларга кирадиганлар иншо ёзадилар.

Мукофотлари ва ҳарбий комиссариатларнинг тавсиялари бўлган ва «Бошланғич ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия» ихтисоси бўйича олий ўқув юртларига кирадиган байналмилал жангчилар имтиёзлардан фойдаланадилар. Уларни кириш имтиҳонларисиз, суҳбат ўтказиб, қабул қилишга рухсат берилди.

Запасга бўшатилган ҳарбий хизматчилар ва ҳукуматнинг белгиланган имтиёзларидан фойдаланувчилар ижобий баҳо олсалар; етимлар ва ота-онасининг қаровидан маҳрум бўлиб қолган болалар, 1-ва 2-группа ногиронлари — агар шифокорларнинг хулосасига кўра уларга педагогика олий ўқув юртларида ўқишга рухсат берилган бўлса, конкурсдан ташқари қабул қилинадилар.

Олий ўқув юртларига касб жиҳатдан йўналтирилган ёшлардан бир-иккита кириш имтиҳонини анча илгарироқ муддатларда қабул қилиш ҳуқуқи берилди. Мактаблар, ва махсус ҳунар-техника билим юртларининг касбга йўналтирилган синфларининг битирувчилари ана шу тоифаларга кирадилар. Корхоналардаги тайёрлов курсларини (бўлимларини), педагогика олий ўқув юрти ҳузуридаги «кичик академиялар»ни тамомлаган ёшлар ҳам шу тоифага киради.

Ўрта махсус педагогика маълумотига эга бўлган ва касби бўйича камида бир йил ишлаган кишилар кечки ва сиртқи бўлимларга имтиҳонларсиз қабул қилинадилар. Ўқитувчи, тарбиячи, методист, пионер вожатий, тўгарак, секция, клуб раҳбари, маданий-маърифий соҳа ходими, жисмоний тарбия инструктори, ҳарбий раҳбар, ташкилотчи педагог, ишлаб чиқариш таълими мастери лавозимида камида икки йил иш стажига эга бўлган ўрта маълумотли кишилар ҳам ана шу имтиёздан фойдаланадилар.

— Имтиҳонда тўпланган балл абитуриентларда бир хил бўлса, олий ўқув юртига киришда кимлар имтиёздан фойдаланди.

— Кейинги уч йил ичида запасга бўшатилган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, танлаган ихтисосга нисбатан ўз қобилиятини намоён этган ҳамда икки йилдан ортиқ амалий иш стажига эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилиш учун имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Эҳтимол тутилган низоларни истисно қилиш учун, шунингдек, ошкоралик принципига амал қилиб, олий ўқув юртларининг қабул комиссиялари таркибига СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, байналмилалчи жангчилар кенгашларининг аъзолари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, шунингдек умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари киритилганлар. Абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари учун ахборот хизмати йўлга қўйилган. Бу ерда улар ўзларини қизиқтирувчи ҳар қандай саволга жавоб ва маслаҳат олишлари мумкин. Юз берадиган келишмовчиликларни шикоят комиссиялари ҳал этади. Бундай комиссиялар таркибига олий ўқув юртларининг педагоглари билан бир қаторда мактаб муаллимлари кирадилар. Бундан ташқари мандат комиссияларининг институтга қабул қилиш билан боғлиқ мажлислари ошкора, абитуриентлар ва уларнинг яқин кишилари иштирокида ўтказилади.

— Комил Юсупович, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллатлар болалари ўқийдиган мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлаш муаммоси қандай ҳал этилади!

— Вазирлик маҳаллий Шўролар билан биргаликда жумҳурият вилоятлари ва ноҳияларида аҳолининг билим эҳтиёжларини ўрганиш юзасидан доимий иш олиб бормоқда. Ана шу асосда ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман ва бошқа тилларда ўқитиладиган мактабгача тарбия муассасалари ва мактаблар учун зарур мутахассислар тайёрлаш режалари тузилади.

Кадрларни Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон билан кооперация асосида тайёрлаймиз. Бир қанча олий ўқув юртлари (уларнинг орасида Тошкент, Самарқанд ва Бухоро педагогик институтлари бор), дарслар қозоқ ва тожик тилида олиб бориладиган факультетларга талабалар қабул қилишни кенгайтиради. Сирдарё Термиз ва Самарқанд педагогика институтлари ҳам тожик ва қозоқ мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлай бошлайдилар. Педагогика олий ўқув юртлари қишлоқ жойлардан абитуриентлар қабул қилишни кўпайтиради. Уларга ёрдам тариқасида кириш имтиҳонлари программаси, барча зарур ҳужжатлар ўзбек тилига таржима қилинган.

Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги қонунга биноан эски ўзбек ёзуви бўйича мутахассис муаллимлар тайёрлана бошлади. Кейинчалик эҳтиёжларни ҳисобга олиб, уларнинг контигенти кенгайтирилади. Рус мактаблари учун ўзбек тили ўқитувчилари тайёрлашга ҳам катта эътибор берилади, эндиликда Ўзбекистондаги бешта олий ўқув юртида шундай педагоглар тайёрланмоқда. Жумҳурият рус тили ва адабиёти педагогика институтида рус тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан рус тилига таржимонлар курсларига қабул кўпайтирилади. Жумҳуриятнинг 375 вакили РСФСР олий ўқув юртларида «Миллий мактабларда рус тили ва адабиёти ихтисоси бўйича ўқийди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюросида

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси «ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ҳамда СССР меҳнат Давлат қўмитаси ва ёшлар институти илмий-тадқиқот марказининг Ёшлар институтини ташкил этиш тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Уларни тузиш ВЛКСМ XXI съезди қарорларига мувофиқ ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришнинг самарали илмий ҳамда кадрлар билан таъминлаш заруратидан келиб чиққан.

1990 йил 10 июндан ҳуқуқий шахс ҳисобланган биринчи категорияли СССР олий ўқув юрти сифатида Ёшлар институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф қўллаб-қувватланди. Ёшлар институти ВЛКСМ ва СССР меҳнат Давлат қўмитасининг улуш мулки, СССРда олий таълим тўғрисидаги Мувақкат низом ва ўз Устави базасида ҳаракат қилувчи ижтимоий-давлат ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплекси ҳисобланади.

Ёшлар институтининг ректори этиб Г. С. Головачев тасдиқланди. Ректорнинг тавсияси бўйича Ёшлар институтининг илмий-тадқиқоти маркази директори этиб И. М. Ильинский тасдиқланди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси бир пайтнинг ўзида 1990 йил 20 августдан ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ҳузуридаги Олий комсомол мактаби ва Олий комсомол мактабининг илмий-тадқиқот марказини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси Чернобиль АЭСи авариясидан жабр кўрган ноҳиялардаги болаларни соғломлаштириш юзасидан Ғарбий Европанинг бир қатор шерик ёшлар ташкилотларининг таклифларини муҳокама этди. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси бир минг кишини шифоланишга юбориш учун ана шу мақсадга 1 миллион сўм ажратишга тайёр.

«ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг доимий комиссиялари ва кенгашлари тўғрисида низом лойиҳаси ҳақида»ги масала кўриб чиқилди. Комиссиялар ва кенгашлар комсомол XXI съездининг аниқлаб берган вазифаларини бажара бориб, ВЛКСМ фаолиятида демократиялашни ривожлантириш мақсадида ташкил этилади.

Доимий комиссиялар ва кенгашларининг асосий вазифалари ҳамда ваколатлари, уларни тузиш принциплари ва тахминий иш регламенти аниқланди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси «ВЛКСМ Марказий Қўмитаси аппаратини қайта тузиш тўғрисида»ги масалани муҳокама этди. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси I пленуми қарорига мувофиқ ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг янги тузилиши ва аппарат штати тўғрисидаги таклифлар тайёрланди. Масъул ходимлар таркибини катта миқдорда қисқартиришни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Ана шу масалани кўриб чиқиш ВЛКСМ Марказий Қўмитаси доимий комиссиялари ва кенгашлари мажлисларида давом эттириш ҳамда уни ВЛКСМ Марказий Қўмитаси II пленумига киритиш режалаштирилмоқда.

«Нечерноземье» («Ноқоратупроқ») жаридаси «Россия молодая» («Навқирон Россия») жаридаси деб номини ўзгартиришга қарор қабул қилинди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси ВЛКСМ Марказий Қўмитаси пленумларига ва Бюросига кўриб чиқишга киритиладиган масалаларни, шунингдек, 1990 йил июнь-декабрдаги асосий тадбирларни аниқлаб берди.



Олти ойдирки, Тошкент тўқимачилик комбинати жумҳурият турдош корхоналари орасида биринчи бўлиб, ижара асосида ишламоқда. Тўғри, жумҳурият Енгил саноат вазирлиги корхонанинг янгича иқтисодий шароитда ишлашига осонликча рўйхушлик бергани йўқ. Вазирлик комбинатга атиги икки йиллик муддат шарти билан шундай фаолият юритишга розилик берди. Тошкентлик тўқимачилар ўз орзу-умидларини ижара билан боғламоқдалар. Бунинг боиси бор. Чунки фақат ижарагина корхонани кўп йиллик қарзлардан қутқариши мумкин. Ва фақат ижарагина бу ердаги техник иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга имкон яратиши, режалаштирилган фойдани олишга кафолат бериши мумкин.

Орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Аммо натижалар қувонарли. Биринчи уч ойлик якунларига кўра, комбинат фойда олиш топшириғини бажарди. Барча асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича режалар ҳам уддаланди.

СУРАТДА: корхона илғор тўқувчиси Дилором Улуғмуродова. Дилором асли туркманистонлик. Уч йилдирки, комбинатда ишлаш билан биргаликда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида таҳсил олмоқда. Ижарачи корхонага малакали ишчилар кераклигини у ҳар қачонгидан ойдинроқ ҳис қилмоқда.

ЎзТАГ мухбири Б. ЮСУПОВ олган сурат.

Шу сонга хабар

ОШҚОРА МУЛОҚОТ

Яқинда ноҳия комсомол қўмитаси бюро аъзоларининг ёшлар билан телефон орқали ошкора мулоқоти ўтказилди.

Ноҳия ёшлари мулоқотда фаол қатнашдилар. Шу куни бюро аъзоларига комсомол ҳаёти ҳамда ёшларнинг ижтимоий муаммоларига оид 40 дан зиёд савол берилди.

«ҚАЛДИРҒОЧ» — БИР ЁШДА

Ўтган йилнинг апрель ойида ноҳия комсомол қўмитаси қошида «Қалдирғоч» хўжалик ҳисобида ишлайдиган ёшлар бирлашмаси тузилган эди. Айтиш мумкинки, бирлашма ташкилотчиларининг бир йиллик фаолияти зое кетмади. Қисқа вақт ичида 50 дан зиёд ишсиз ёш «Қалдирғоч»дан қўним топди.

Айни кунларда бирлашмада тикувчилик, сураткашлик, безаш цехлари ва бир қатор устахоналар, клублар ишлаб турибди.

Яқинда бирлашма қошида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цех ҳам ишга тушди.

«УН БЕШ УҒЛОН» ХОТИРАСИГА

Ноҳия комсомол қўмитаси ташаббуси билан марҳаматлик 15 нафар марҳум аскар хотирасига бағишланган шахмат мусобақаси бўлиб ўтди.

Мусобақа ғолиблари эндиликда қўшни Қирғизистон ССРнинг Аравон ноҳияси шахматчилари билан куч синашадилар.

Шукурулло НЕЪМАТОВ,
Андижон вилоят, Марҳамат ноҳияси комсомол қўмитасининг иккинчи котиби.



Устоз учун ҳаётда энг катта бахт ўз шогирдларининг камолини кўришдир. Ана шу бахтга муяссар бўлган инсон Булунғур ноҳиясидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонасига қарашли Красногвардейск шаҳар маиший хизмат кўрсатиш уйи тикувчиси Гулзода Мамедовадир. У ўн йиллик фаолияти давомида кўплаб ёшларга устозлик қилди. Мустақил ишлаши учун йўл-йўриқ берди.

СУРАТДА: Г. Мамедова шогирдлари (чапдан) Г. Раҳматова, М. Қулматоваларга кўйлакка ёқа қўйишни ўргатмоқда.

Т. ДАВЛАТОВ сурати.

Диққат! Диққат! Диққат!

Жумҳурият комсомолига ўз фаолиятини янгилашида кўмак бериш истагида бўлган барчани Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездининг ҳаракатномавий ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш мақсадида рўзномамиз саҳифаларида очилаётган

МУНОЗАРА КЛУБИГА

таклиф этамиз.

Келинг, биргаликда қизиқарли ғояларни излаб топайлик! Келинг, биргаликда ўйлайлик ва катта комсомол кенгашини ўтказайлик!

Яқинда Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси жумҳурият комсомол ташкилотининг Устави ва Ҳаракатнома лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда ташкилий масалалар кўриб чиқилди, амалий режалар аниқланди, ҳаракатномавий ҳужжатларнинг концепциясига материаллар муҳокама қилинди. Бугун биз сизнинг эътиборингизга уларни ҳавола этаяпмиз.

Ишчи гуруҳи аъзолари жумҳурият комсомолини тубдан қайта қуриш тўғрисида фикр-мулоҳаза юритиш ва таклифлар киритиш, бошланғич ташкилотлар ва комсомол қўмиталаридан тортиб — барча жойда боради деб, умид қилади. Биз ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини сиёсий ҳимоя қилишга лоқайд бўлмаган барчадан Иттифоқимизни тубдан қайта қуришга доир таклиф ва мулоҳазаларини кутамиз.

Ўз таклифларингизни қуйидаги манзилга юборинг: **Тошкент, Луначарский шоҳ йўли, 71, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ҳузуридаги кадрлар ва фаолларнинг малакасини ошириш Тошкент институти. Жумҳурият комсомоли Устави ва Ҳаракатномаси лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи.** Маълумот учун телефон: 67-65-34.

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съезди ҳаракатномавий ҳужжати концепциясига

Ҳаракатномавий ҳужжат:

1. Қуйидаги шаклларга эга бўлиши мумкин:

а) Ўзбекистон ЛКЁИ фаолияти ҳаракатномаси;

б) Ўзбекистон ЛКЁИ ҳаракатномавий мўлжаллари;

в) Ўзбекистон ЛКЁИ ҳаракатномавий мақсадлари;

г) Ўзбекистон ЛКЁИ ҳаракат дастури;

д) ҳужжат шаклининг юқоридаги кўринишга аниқлик киритиш учун ном ҳам қўйиш мумкин. Масалан, «Комсомол суверен ва гуллаб-яшнаган Совет Ўзбекистони тарафдори».

2. Жумҳурият ёшларининг комсомолга бўлган эҳтиёжи асослари ва уларни қондиришда Совет Ўзбекистони ёшлари ва халқларининг равнақи йўлида комсомол мустақиллиги заруратини очиб беради.

3. Ҳаракатномавий ҳужжатда қандайдир кўринишда Ўзбекистон ССР, ЛКЁИ ривожланиши ёшларнинг ҳозирги даврдаги аҳволининг таҳлили бўлиши керакми ёки йўқлиги тўғрисида бир сиёсий ечимга келиш лозим.

4. Бу ҳужжат икки бўлимдан иборат бўлиши мумкин:

а) Ўзбекистон ЛКЁИнинг ғоявий ва сиёсий асосига нисбатан сиёсий баҳо ва позициясини ифода қилувчи кириш қисми (коммунистик ғоя, марксизм, Ленин ғояларини ижодий қўллаш, миллийлик ва умуминсонийликнинг бирлиги, шахс қадр-қиммати); Совет Федерациясини тубдан янгилаш ва инқилобий қайта қуришни қўллаб-қувватлаш; Ўзбекистон Коммунистик партияси билан сиёсий иттифоқчилик ҳамда ғоявий бирлик асосида ташкилий мустақиллик; ВЛКСМга жамоа тарзида аъзо бўлиш; жумҳурият ривожланиши (суверенитет, инсонпарвар демократик социализм); комсомолнинг халқ, меҳнаткашлар, ёшлар олдидаги масъулияти; ёшлар талабларидан келиб чиқувчи жумҳурият давлат ёшлар сиёсати, ёшлар ҳаракати;

б) Ўзбекистон ЛКЁИ сиёсати моҳиятини белгиловчи ёшлар ривожланишининг конкрет талабларини қондириш бўйича яқин (1 йил), ўрта (1,5—2) ва узоқ (3 йил) даврга мўлжалланган истиқболларни очиб берувчи, асосий муаммолар бўйича амалий ҳаракат (асосий қисм). Афтидан, комсомолларнинг талабларидан, БКТ мустақиллигидан келиб чиқувчи ҳаракатномавий йўл-йўриқларни амалга оширишда комсомол ролини белгилаб берувчи ташкилий-сиёсий механизм лозим.

Ҳаракатномавий ҳужжат асосий қисмининг бўлимлари:

— «Бизнинг эътиқодимиз».

— «Ҳар бир кишининг ривожланиши — ҳамма ривожланишининг шарти».

Асосий йўналишлар:

— муносиб ҳаёт шароити учун;

— маънавий ва миллий тикланиш учун;

— ёшлар халқ ҳокимиятининг фаол кучидир;

— биргаликда биз кучлироқмиз (жумҳурият барча ёшларининг жипслиги ва бирлиги учун).

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ УСТАВИ КОНЦЕПЦИЯСИГА

Уставнинг назарда тутилаётган бўлимлари:

Кириш қисми: Ўзбекистон ЛКЁИ мақоми (ВЛКСМ Устави матнига «ташаббускор» тушунчасини қўшиш, федератив принциплар асосида тузилиш тушунчасини истисно этиш); ижтимоий база (Ўзбекистон комсомоли барча ёш ёки меҳнаткаш ёшларнинг ташкилотидир); ташкилотнинг байналмилал характери; ёшлар иттифоқлари федерацияси — ВЛКСМ субъекти сифатидаги Ўзбекистон ЛКЁИ суверенлик чегаралари; мақсадлар ва уларнинг Ўзбекистон ССР Конституцияси ҳамда ССР Иттифоқидаги суверенлик билан ўзаро боғлиқлиги; Ўзбекистон Коммунистик партияси, бошқа ижтимоий-сиёсий ёшлар ташкилотлари билан ҳамжиҳатлик принциплари.

1. ВЛКСМ ички иттифоқ ҳаёти асослари:

ВЛКСМ Уставида ифодаланган принципларга қўшимча тарзда қарор чиқарувчи ҳамда ижро этувчи органларнинг тасарруфини чеклаш, Ўзбекистон ЛКЁИ ташкилотларининг ўз аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш масъулияти ҳамда барча мумкин бўлган воситалар орқали уларни қўллаб-қувватлаш принципларига урғу берилади.

II. Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоси, унинг ҳуқуқ ва бурчлари:

Ўзбекистон ЛКЁИга аъзолик (ВЛКСМ Уставидаги принципларга қўшимча равишда комсомол аъзосининг комсомол ташкилотлари фаолиятида иштирок этиши шартлиги кўрсатилиши керак); комсомолга қабул қилиш (ташкилот аксарият аъзоларининг фикрини инобатга олган ҳолда); Ўзбекистон ЛКЁИ аъзосининг ҳуқуқ ва бурчлари (қўшимча равишда Иттифоқдаги алоқаларни ўртоқлик ва ўзаро ёрдам асосида қуриш бурчи); аъзоликнинг тугатилиши; комсомолдан ўчириш (ташкилот аксарият аъзоларининг фикри билан).

III. Ўзбекистон ЛКЁИ ташкилий тузилиши:

Жумҳурият комсомол ташкилоти субъектини қуйидаги вариантлар ичидан аниқлаб олиш зарур: бошланғич, ноҳия ёки вилоят комсомол ташкилотлари; бошланғич ташкилотлар тузиш принципларини (ҳудудий-ишлаб чиқариш белгиси бўйича, яшаш жойи бўйича, ижтимоий аҳамиятга молик манфаатлар муштараклиги асосида, ёки бир йўла учаласи ҳам), уларнинг бирикмаларини тузиш принципини (ҳудудий умумийлик асосида ёки ижтимоий аҳамиятга молик манфаатлар муштараклиги асосида, ҳар иккаласи ҳам) танлаб олиш лозим; юқори органлар вазифалари ва ваколатларини ҳамда қарор чиқарувчи ва ижро этувчи органлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни белгилайдиган принцип ҳам муҳим аҳамиятга эга (биринчи ҳолда улар қуйи ташкилотлар томонидан, иккинчи ҳолда — марказий органлар йўриқномалари ва бошқа ҳужжатлари билан белгиланиши мумкин); шунингдек, юқори комсомол ташкилотларининг қуйи ташкилотларга нисбатан вазифаси доирасига кирувчи чегарасини ҳам аниқлаш зарур.

IV. Бошланғич комсомол ташкилотлари:

бошланғич комсомол ташкилотлари устунлиги ҳамда шу устунликни таъминловчи ҳуқуқлар (БКТ ноҳия, шаҳар ташкилотларининг ўз-ўзини идора қилувчи органлар тузилиши, вазифалари ва ваколатларини белгиловчи ҳуқуққа эга бўлишлари керакми); бошланғич комсомол ташкилотини тузиш ва тарқатиб юбориш нормалари; бошқарув органлари, комсомол ташкилоти раҳбарларини сайлаш ва уларнинг ҳамжиҳатлиги принциплари (бир вариант — комсомол ташкилотларида комсомол қўмитаси сайлаш мумкин. У эса ўз етакчисини сайлайди; бошқа вариант — ҳаракатномага асосан ташкилот етакчиси сайланади. Унга вазифаларга асосан ҳамфикрлар жамоасини танлаб олиш ҳуқуқи берилади; қўшма вариантга ҳам амал қилиш мумкин).

V. Ўзбекистон ЛКЁИ ВЛКСМ федерацияси субъекти сифатида:

федерацияга аъзолик принциплари; ҳуқуқ ва бурчлар; федерацияга аъзоликни тугатиш шартлари; Ўзбекистон комсомоли ВЛКСМга берувчи ваколатлар.

VI. Ижтимоий аҳамиятга молик манфаатлар муштараклиги асосидаги Ўзбекистон ЛКЁИ ассоциациялари ва жумҳурият бирлашмалари:

бирлашиш принциплари (ижтимоий аҳамиятга молик манфаатлар муштараклиги асосида, қатламлар бўйича); умумкомсомол ишларини ҳал қилишда иштирок этиш ҳуқуқи.

VII. Ўзбекистон ЛКЁИнинг марказий органлари:

Ўзбекистон ЛКЁИнинг олий органи; уни чақириш даврийлиги; съезд ваколатлари; съезд делегатлари ваколатлари (бир вариант — съезд ўтказиш даврида, бошқа вариант — бир съезддан келгуси съездгача); жумҳурият ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг ваколати; Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ биринчи котибини сайлаш; Марказий Назорат Комиссияси ваколатлари ва вазифалари (иш жараёнини эмас, балки фаолият натижаларини назорат қилиш устунлиги).

VIII. Жумҳурият конференциялари ва референдумлари:

конференциялар ва референдумларнинг чақириш нормалари ва уларнинг ваколатлари.

IX. Ўзбекистон ЛКЁИ ва В. И. Ленин номидаги жумҳурият кашшофлар ташкилоти:

ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик; комсомол бурчлари (моддий-молиявий ва илмий-методик кўмак, кадрлар тайёрлашда ёрдам); комсомол органларида кашшофлар ташкилоти вакиллиги.

X. Ўзбекистон ЛКЁИ ташкилотларининг Иттифоқ аъзоси бўлмаган ёшлар ва ташаббускор ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлиги:

ҳамкорлик принциплари (кўнгиллилик ва суверенлик, фаолияти комсомолнинг ҳаракатномавий мақсадлари ва вазифаларига зид бўлмаган ташкилотлар билан ҳамкорлик); ҳамкорлик шакллари (ёшларнинг ижтимоий аҳамиятга молик манфаатларини амалга ошириш бўйича, демократик ўзгаришлар ва бир-бирларини қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлар, қўшма акциялар).

XI. Ўзбекистон ЛКЁИ ва Ўзбекистон Коммунистик партияси:

комсомол ташкилотларининг суверенлиги, сиёсий ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, муносиб даражадаги олий органларга ўзаро вакиллик асосида комсомол ва партия ташкилотларининг ҳамкорлиги; фикрлар муштараклиги бўйича ўзаро қарорлар қабул қилиш; мақсад, вазифалар, уларни амалга ошириш йўлларини аниқлашда комсомол ташкилотлари мустақиллиги.

Ўзбекистон ЛКЁИ мулки ва бюджети:

Ўзбекистон ЛКЁИ мулкини ҳамда турли даражадаги мулк соҳибларини аниқлаш; юридик шахс ҳуқуқига мувофиқ мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи; ташкилотларнинг корхоналар, нашриётлар, редакциялар, хўжалик ташкилотлари тузиш, ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш ҳуқуқи; комсомолнинг пул маблағларини шакллантириш манбалари; бюджетни шакллантириш ва сарфлаш принциплари (қуйидан юқорига ҳамда жумҳурият ташкилотлари субъектлари аниқлайдиган чегарада); аъзолик бадаллари тўлаш.

Жумҳурият янгиликлари

ФАРҒОНА консерва заводи цехлари атиргулнинг хуш бўйига тўлди. Корхона жамоаси атиргул япроқларидан мураббо тайёрлаш мавсумини бошладилар.

Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш мавсумининг бошланишига заводда технология ускуналари профилактик ремонтдан чиқарилди, бир кеча-кундузда 25—30 тонна хом ашёни қайта ишлашга мўлжалланган қурилма ўрнатилди. Помидор ҳосилини оммавий тарзда йиғиштириб олиш бошлангунича томат пастаси ишлаб чиқарадиган қудратли цех ишга тушади, бу маҳсулотнинг бир қисмини илк бор ГФЖ ва бошқа хорижий мамлакатларга экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Бу йил фарғоналиклар 73,5 миллион шартли банка 51 хил консервалар: мурабболар, тузламалар, жемлар ва бошқа маҳсулотларни тайёрлайдилар. Фарғона заводи тамғаси туширилган маҳсулот Ўзбекистон савдо корхоналаридан ташқари Узоқ Шимол, Узоқ Шарқ аҳолисига ва мамлакатнинг саноат марказларига етказиб берилади.

* * *

«МАЛИКА» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентда очилган фирма магазини дастлабки харидорларини қабул қилди. Бу ерда расм бўлган либосларни сотиб олиб, ўзи истаган андазадаги кўйлакни тиктириш мумкин. Ширкатчилар эса бу ерда полотно, калава, ука ғамлаб олишлари мумкин.

* * *

ХИМИЯ саноати марказий илмий текшириш институти олимларининг ишланмаси пахтани хас-чўпдан тозалашга ёрдам беради. Бу ерда яратилган тозалаш қурилмаси узоқ туриб қолган пахта чигилларини титади. Ихтиро пахта толасини тозалаш сифатини далада ҳам, пахта тозалаш заводларида ҳам анча ошириш имконини беради.

* * *

ТАНДА қўйдиган дастгоҳлардаги ипни таранглаштириб берувчи ускуна газлама сифатини яхшилаш имконини беради. Бу ускуна Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлигининг марказий лойиҳа-конструкторлик технология бюросида яратилди. Янги ускуна ипнинг ингичка-йўғонлигига қараб, унинг машинага бир текис келиб туришини сезгирлик билан таъминлайди, ипни момиқ ва бошқа нарсалардан тозалайди, ундаги статик электрни йўқотади.

(ЎзТАГ).

«Ижара—барака»

БАЛИҚЧИ НОҲИЯСИДАГИ Ленин номли жамоа хўжалигининг экскаватор машинисти Тожимурод Қирғизовнинг оила аъзолари шундай дейишмоқда. Бу оила ўтган йилнинг бошларида жамоа хўжалигидан ўнта қўйни ижарага олган эди. Ана шу қўйлар ўн биттага кўпайди. Шартномада келишиб олинганидек, ижарачилар ҳар бир бош қўй ҳисобидан жамоа хўжалигига йигирма икки килограммдан гўшт ва уч килограммдан жун топширдилар. Барча сарф-харажатлар ҳисоб-китоб қилиб бўлингач, оилага қиймати бир ярим минг сўмдан кўпроқ бўлган бешта қўй қолганлиги маълум бўлди. Ижарачилар ана шунча маблағ ишлаб топишди.

Бошқа ижарачи Юсуфжон Расулов ҳам меҳнатни ташкил этишнинг янги шаклини жуда фойдали деб ҳисобламоқда.

— Биз ўтган йили жамоа хўжалигидан ўн саккизта қўй олгандик, — дейди у. — Шартномавий мажбуриятларнинг ҳаммасини бажардик, энди бизга ўндан ортиқ жонивор қолди. Бу баҳорда ҳар совлиқдан биттадан қўзи олдик.

Ижара ишчиларгагина эмас, хўжаликка ҳам фойдалидир.

Хориждан хабарлар

ПРЕЗИДЕНТНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Вашингтонда бўлиб ўтган олий даражадаги Совет-Америка тарихий учрашуви хавфсизроқ дунё сари боришга ва янги, барқарор Европани вужудга келтиришга ёрдам берди, деб таъкидлади АҚШ Президенти Ж. Буш Айова штатининг Де-Мойн шаҳрида сўзга чиқиб. Европа қитъасида, деб давом этди у, барча давлатлар хавфсизлиги мустаҳкамланади.

«Биз Президент Горбачев билан барча америкаликлар ҳаётига ўз таъсирини ўтказадиган ҳамкорлик ва умид руҳидаги бир қанча янги битимларга келдик», — деб таъкидлади Ж. Буш. «Умид қиламизки, — деди Президент, — мазкур битимлар совуқ уруш тугашининг муқаддимаси бўлади. Ҳозир бизда Совет ва Америка халқлари ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликнинг янги муносабатлари ўрнатилмоқда, дон билан савдо қилиш ва сотиш юзасидан янги битимлар имзоланиши муносабати билан эса бу ҳамкорлик янада мустаҳкамланди».

Бироқ, деди Президент, биз мамлакатларимиз ўртасида сақланиб қолаётган анча катта фарқларни назардан четда қолдира олмаймиз. Литва муаммоси — ана шундай масалалардан биридир.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ЛОНДОН. Буюк Британия Бош вазири Маргарет Тэтчер совет Президентининг амалга ошираётган қайта қуриш сиёсатини қутлади. Англия ҳукуматининг бошлиғи Москвада бўлиб ўтган музокаралардан кейин Ай-ти-эн телекомпанияси мухбирининг саволларига жавоб бериб, совет Президенти — қандай аниқ мақсадга интилаётганлигини яхши англовчи, зарур даражада зийрак сиёсий арбобдир, деб таъкидлади.

Бош вазир агар совет раҳбарияти ҳозир мамлакатда амал қилиб турган марказлаштирилган ва қатъий назорат қилинадиган иқтисодиётни одамларда олға томон ҳаракат қилишга омил ҳамда тараққиёт учун масъулият туйғуси пайдо бўладиган эркин иқтисодий системага айлантиришга муваффақ бўлса, бу сўнгги 50 йил ичидаги энг буюк ютуқ бўлур эди, деб уқтирди. Ҳукумат бошлиғининг гапларига қараганда, Буюк Британия ана шу мақсадга эришишда Совет Иттифоқига зарур мадад беришга тайёр.

● ПРАГА. Мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органи — ЧСФР федерал мажлиси ҳамда жумҳурият парламентига сайловнинг биринчи куни жиддий чигалларсиз ўтди. Сайлов комиссияларининг маълумотларига қараганда, жума куни сайловчиларнинг деярли ярми овоз берди. Фақат жанубий Нехиядагина давлат хавфсизлиги ва мушакбозлик ходимлари Велешиндаги мактаблардан бирини ва корхонани портлатиш ҳақидаги пўписаларга нисбатан чора кўришга мажбур бўлдилар. ЧТК агентлиги, телевидение ва радио сайлов қандай ўтаётгани ҳақида мунтазам хабар бермоқда. Сайловда чехословакиялик муҳожирлар ва маҳбуслар биринчи марта иштирок этаётганлиги алоҳида уқтирилмоқда.

● ЛУАНДА. Ангола халқининг социалистик жамият қуриш учун курашида марксизм-ленинизм илмий асос бўлиб қолаверади, деди МПЛА—меҳнат партияси Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси Кунди Пайама.

Ангола социализм йўлидан бориши керак. Чунки капитализм ҳеч қачон халқ манфаатларига хизмат қилмаган, — деди у ўтган сешанба куни Бенгела шаҳрида партия аъзолари билан учрашувда сўзга чиқиб.

Анголадаги ҳозирги вазиятни жаҳондаги ўзгаришлардан алоҳида ажратиб қараш мумкин эмас, деди Ангола раҳбари. Биз ўзгартишлар тарафдоримиз. Лекин ўзгартириш мумкин бўлмаган қоидалар бор, деди К. Пайама.

(ТАСС).

ПРОФЕССОР-ФЕРМЕР

Бундан неча йиллар муқаддам Нью-Йоркдаги дорилфунун профессори (сиёсий фанлар бўйича) Чарлз Плэнк ва унинг рафиқаси Сюзан фермер бўлиш орзусида юришганди. Ва ниҳоят 1973 йилда уларнинг орзуси ушалди. Ўшанда бир дўсти Вашингтон атрофида 400 акр (1 акр 0,4 гектарга тенг) ер сотилишини айтди. Шундай қилиб ўша ерни тўрт оила бўлишиб сотиб олишди.

Профессор аввалига 50 акр ерни зўрға уддалади. Кейинчалик эса яна 10 акр қўшимча ер сотиб олди. (Ўша йиллари ер анча арзон эди, яъни 1 акр ер 850 доллар турарди. Ҳозир эса 10 минг долларга чиқиб кетган).

Плэнк шу йўсин фермер бўлди.

Даланинг катта шаҳарга яқинлиги нима экиш кераклигини кўрсатиб берди, чунки шаҳарликларга асосан нима керак? Янги узилган патинжон, бодринг, қўйингки, мева-чеванинг барча тури. Маълумки, бир неча кун аввал узилган ёки узоқдан келтирилган (албатта эзилган бўлади) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳаммамизга ҳам ёқавермайди. Сўлиб, буришиб қолган мевани ким ҳам суюб истеъмол қиларди. Шунинг учун профессор шаҳарликлар дастурхонини янги-янги маҳсулотларга тўлдиришни мақсад қилиб қўйди.

Профессорнинг экиш-тикиши бироз ғайриоддий, тўғрироғи, илмий йўсинда. У полиз ва сабзавотлар ёнига буғдой ҳам экади. Қизиғи шундаки, буғдой фақат похол учун экилади, уни жўякларга тўшайди. Похол ўз навбатида бегона ўтларнинг ўсишига йўл қўймайди, намликни тез ўтказади, иссиқни яхши «ушлайди», пуштани селгитади. Бундан ташқари ер бағирлаб ўсадиган ўсимликлар — тарвуз, қовун, ошқовоқ, бодринг, ҳатто патинжонлар меваси похол тўшак устида қуп-қуруқ туради.

Чарлз ва Сюзан кўчатларни дастлаб плёнка остида ўстиради. Шунинг учун ҳам биринчи ҳосилни — исмалоқ ва қоҳу (кўкат ўтларнинг бир тури)ни апрель охирларидан сотишни бошлайди. Охирги ҳосил — ошқовоқни ноябрда сотиб тугаллайди. Патинжон ҳосилини йиғиштириш эса июнь ўрталаридан бошлаб октябргача чўзилади.

Фермер ҳар йили экинларни алмашлаб экади, бу эса ер қувватини сақлайди, ҳатто оширади. Бундан ташқари у инсектицидларни (заҳарли ҳашаротларга қарши дорилар) камдан-кам қўллайди. Шунингдек, минерал ўғитларни ҳам кам ишлатади. Асосан ерга маҳаллий ўғит солади. Гербицидларни эса умуман экинтикин яқинига йўлатмайди.

Энди ишчи кучи ҳақида тўхталсак. Тўғри, фақат Чарлз билан Сюзаннинг иккиси дала ишларини уддалай олмаслиги турган гап. Айниқса, пишиқчилик пайтида. Шунинг учун уларга ёзги таътилга чиққан талабалар ёрдамга келади. Чунки Плэнк яқин атрофдаги барча дорилфунун ва коллежларнинг рўзномалари орқали талабаларни ишга таклиф этади. Далада ишлашни хоҳловчилар эса доимо топилади. Профессор уларга соатига 3 доллардан ҳақ тўлайди.



СУРАТДА: америкалик фермерлар — Чарлз ва Сюзан Плэнк.

Суратчи **В. ПОЛЯКОВСКИЙ** (ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

СУВАРАКЛАР ҲАРАКАТИ ЎРГАНИЛМОҚДА

● ЯПОНИЯНИНГ «Хонда» автомобиль фирмаси мутахассислари олиб бораётган тадқиқот бир қарашда кулгили туюлади, чунки улар сувараклар ҳаракатини ўрганишмоқда. Лекин бошқача нуқтаи назарда қаралса, бу иш жуда жиддий ва фойдали эканлигини сезасиз. Сувараклар қанча тез ҳаракат қилса-да, ҳатто у ёқдан бу ёққа бурилишлар ясаган тақдирда ҳам бирор нарсага урилиб ёки йиқилиб кетганини кўрганмисиз?

Сувараклар ўз ҳаракати давомида «йўли»даги нарсаларни олдиндан сеза олади ва шунга мослаб ҳаракатини бошқаради. Шунинг учун ҳам мутахассислар суваракда бўладиган «хислат»ларга эга бўлган автомобиль яратишмоқчи. Бу автомобиль оғир вазиятларда ҳам автоҳалокатлардан ўзини ўзи асраб қолиши мумкин.

БАРОРИДАН КЕЛГАН ОВ

● НИКАРАГУАЛИК балиқчи Вильмер Вильянуэва океан олабуғаси билан икки соатдан ортиқ «жанг» олиб борди... Яхшиямки, унинг уч ўғли оталари билан бирга эди. Бўлмаса Э. Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз» асаридаги чолнинг аҳволига тушарди.

Коринто аҳолиси бундай «бароридан келган овни ҳеч эслашолмайди. Ўлжанинг оғирлиги 80 килограмм чиқди. Вильмер уни қўшнилари билан кун бўйи қисмларга бўлаклашган.

ЎТКИР ҲИДЛИ ТЎСИҚ

● СЎНГГИ даврда шаҳардан ташқаридаги йўлларда автомобилларнинг ёввойи ҳайвонлар билан тўқнашуви кўплаб содир бўлмоқда. Хайриятки, эндиликда бундай ҳалокатнинг олдини олиш мумкин. Бунинг учун ўзидан ўткир ҳид таратувчи «япроқлар» керак холос. «Япроқ» пластмассадан тайёрланган бўлиб, у йўл четидаги дарахт шохларига боғлаб қўйилади. Ундан таралган махсус ҳид эса ёввойи ҳайвонларни катта йўлга йўлатмайди, яъни уларни қўрқитади.

Мюнхен яқинидаги катта йўлда ўтказилган биринчи синов самарали натижа берди, деб хабар беради «Штутгартер цайтунг» (ГФЖ) рўзномаси.



ШОИР, ДРАМАТУРГ, ПУБЛИЦИСТ

МАШРАБ БОБОЕВ БИЛАН СУҲБАТ

— Машраб ака, ҳозир иқтисодий мустақиллик ҳақида кўп гап бўлаяпти. Тарихдан маълумки, мустақил бўлмаган давлат гуллаб-яшнамаган. Лекин бундан нақдни қўйиб, насия кетидан югургилайлик, деган хулоса чиқармаслик керак. Аммо бир нарса юракка тинчлик бермайди. Мана қайта қуриш бошланганига беш йилдан ошди. Лекин аҳволимиз ҳамон талаб даражасида эмас.

— Мустақилликда гап кўп, албатта. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий Шўросининг сессияси юракларга умид уруғини сочди. Бу мавзуда — мустақиллик хусусида ҳали кўп гапирамиз. Олдин саволингиздаги иккита ўринга сал тўхтаб ўтсак.

Етмиш йил давомида инсонни ўзининг инсоний хусусиятларидангина эмас, неъматларнинг энг буюги бўлган умрдан ҳам жудо қилишга уриндик, бу жабҳада анчагина нарсаларга эришдик ҳам. Урушлар, пахта яккаҳокимлиги, экологик вазият... Бунинг устига, беш-олти йил муқаддам «оилани планлаштириш» деган мудҳиш ибора пайдо бўлди. Шу муносабат билан бир воқеани айтиб берай. 1988 йил бошларида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида янги «сайланган» раҳбар билан учрашув бўлди. Мен янги раҳбар аввал ёзувчиларнинг гапини эшитиб, сўнгра ўзи гапирар, деб ўйлаган эдим, йўқ, учрашувни ўзи «дастурий» нутқ билан бошлаб, кейин саволларга (ҳаммасига эмас, албатта) жавоб берди. Майли, ҳозир гап бунда эмас. Ўшанда унга «оилани планлаштириш» хусусида ҳам савол берилди. Раҳбар бу саволга, икки мингинчи йилда аҳоли сони фалон миллионга етади, табиий ресурсларимиз мана бундай, «оилани планлаштир»масак, одамларни боқолмай қоламиз, деб жавоб берди. (Жавоб айнан шундай бўлмаган бўлиши мумкин, лекин мазмунан шундай эди). Ёқамни ушладим. Одам зоти пайдо бўлибдики, бирон-бир ҳокимиятнинг фуқаромни боқолмайман, уни ўстирмаслик керак, деган гапи бўлмаган. Бунинг устига, бизнинг ҳокимият дунёдаги энг... энг... энг... ҳокимият бўлса... Раҳбарнинг бу гапи фирқанинг инсонпарварлик сиёсатига зид эди.

— Гапингизни бўламан, Машраб ака. Очиғини эътироф этиш керак, одамларнинг тўйиб овқат истеъмол қилмаётгани, очликдан гўдакларнинг силласи қуриётгани рост. «Комсомольская правда» рўзномаси «Бу ерда гўдаклар жон берар осон» сарлавҳали мақоласида бу тўғрида очиқ-ойдин ёзди. Биздаги тўқ яшаётган тўрт-беш фоиз пулдор табақани қўя турайлик, аксарият деҳқонларимизнинг дастурхонларига кўрк бўладиган чой ва нондан бошқа нималари бор! Бунинг устига, ўлиб-тирилиб топганларини ҳам ўзбекчилик деб, тўй-маъракаларга сарфлаб юборишади. Урф-одат, ор-номус, эл-юрт... Шунга мажбур улар. Бундай ҳолатда унинг косаси қачон оқараркин!

— Ўзбек бино бўлибдики, топган-тутганини бир куни келиб, элга едириб келган. Нега энди у минг йилликлар давомида риоя қилиб келган анъаналаридан воз кечиши керак? Яна «Ватан обод, халқлар озод, ҳамма бахтиёр» замонда-я? Қайтага, янада давом эттириши, ривожлантириши керак эмасми? Унга бунинг учун имконият яратиб бериш лозим эмасми? Ҳокимиятни, таъкидлаб айтиш керакки, «энг инсонпарвар ҳокимият»нинг асосий вазифаси унга шундай шароит яратиб беришдан иборат эмасми? Мана сизга «Етмиш йил»нинг яна битта хосияти!

Бу гап ўз-ўзидан мустақилликка бориб тақалади. Боя айтдим. Ўзбекистон Олий Шўросининг сессияси жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақиллиги йўлида, майли, ҳали майда бўлсин, журъатсиз, тетапоя боладай бўлсин, ҳар ҳолда илк қадам бўлди. Шу пайтгача раҳбарларнинг гапига кирганмиз, бунинг учун айб бизда эмас, раҳбарларнинг ўзида — уларнинг гапи билан иши бир эмас эди, лекин мен жумҳуриятимиз Президенти билан Бош вазиримизнинг гапига ишонаман. (Қавс ичида айтиб қўяй, шу пайтгача от устидаги раҳбарга ҳамду сано ўқимаганман. Буни дўстларим билишади.) Қисқа вақт ичида амалга оширган ишлар уларнинг дили билан тили бир эканлигини кўрсатди.

— Иқтисодий мустақилликни осонгина қўлга киритолмаймиз. Бу йўлда илк қадам қўйилди, холос. Ҳали неча-неча баланд поғоналарни босиб ўтишимиз керак. Бу ишда биргина раҳбарларнинг жонкуярлиги ҳам камлик қилади, менимча.

— Дарвоқе, қанот жуфт бўлади. Иқтисодий мустақилликка эришган билан маънавий мустақиллик ўз-ўзидан келиб қоладими? Ҳатто ўйлайманки, раҳбарларимиз минг уринишмасин, маънавий мустақилликка эришмасдан туриб, тўла иқтисодий мустақилликни ҳеч ким инъом этмайди, унга эришиш фақат ўзимизга боғлиқ.

Ҳар ҳолда мустақиллик қадами, майли у хато қўйилган бўлсин, асло журъатсиз бўлмаслиги лозим. Хатони тузатса бўлади, лекин журъат бахш этиш қийин... Аммо бундан унча ташвишланмаса ҳам бўлади, деб ўйлайман. Чунки, мана, тўла бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда анча демократик парламентга эга бўлдик. Ўзингиз биласизки, кўпгина қонунларимиз, ҳатто Асосий Қонун — Конституцияга ҳам тез-тез ўзгартиришлар киритиб турилади. Умид қиламанки, янги парламентимиз ҳам вақти келиб тил тўғрисидаги Қонунга қайтиб, унга керакли ўзгартишлар киритади ва мукаммал қилади. Хуллас, шу Қонуннинг қабул қилинганига ҳам олти ойдан ошди.

...Биз фақат маъмуриятни айблашга ўрганиб қолганмиз. Менинг ўзим ҳам Тошкентда ҳеч нарса ўзгармаяпти, деб бир неча марта айтганман. Лекин, мана, Тошкентда энг қийин (моддий сарф-харажат жиҳатидан) ишлардан бири — жойларнинг, кўчаларнинг номларини ўзгартириш, уларни «ягона миллий шаклда» бериш ишлари жадаллик билан олиб бориляпти. Таъкидлаб айтаманки, бу ишни биз танқид қилишга ўрганиб қолган «тўра» ташкилот — шаҳар ижроқўми қиляпти. Аммо, эълонлари, бошқа ёзувлари ҳаддан ташқари кўп харажат талаб қилмайдиган, бу сарф-харажатларга бемалол кучи етадиган ташкилотлар-чи? Идоралар, айниқса, савдо дўконлари учун бир-иккитагина лавҳани, бир-иккитагина эълонни, майда-чуйда ёзувларни ўзгартириш нима деган гап? Метрополитенни олайлик. Бекатлардаги лавҳалар билан бекатларни эълон қиладиган магнитафон ёзувини ўзгартиришга кучи етмайдими? Наҳотки шунинг учун уч йил ўтишини кутиб ўтириш лозим бўлса? Йўқ, мустақилликнинг асосий белгиси — маънавий мустақиллик йўқлиги учун шундай бўляпти. Бундай ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамон ўзларини қул ҳисоблашяпти, ҳамон оддий ишларга ҳам юқорининг аниқ кўрсатмасини кутиб ўтиришибди. Бу билан жумҳуриятнинг олий Қонунини бажармаётганлари, бу ишлари жиноят эканликларини унутиб қўйишяпти.

1

Халқимиз етмиш йил тобелик асоратидан қутилиши, қаддини тиклаши учун асосан фан, маданият арбоблари, зиёлилар масъул. Аммо биз — зиёлилар ҳали ҳам тобелик асоратидан қутилганимиз йўқ. Давлат тилига ўтишни областни вилоят, республикани жумҳурият, районни ноҳия (бу сунъий сўзни ким ўйлаб топган — билмайман. Ўзимизда туман, депара деган оддий, лекин аниқ сўзлар бор) дейишдангина иборат деб ўйлаб, тилимизнинг табиий қурилишини мустақил қилиш хусусида бош қотирмаяпмиз... Адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари ходимлари маънавий мустақиллик — энг аввало тил мустақиллиги эканлигини ҳеч қачон унутмаслиги лозим. Шундагина биз бошқа фуқаролардан нималарнидир талаб қилсак бўлади.

Булардан ташқари яна бир омилни айтмасдан бўлмайди. Бу — яна ўша, маънавий мустақиллигимизнинг етишмаслиги деб биламан. Бир-иккита мисол. Бундан беш-олти йил бурун Болтиқбўйи жумҳуриятларидан бирининг ёзувчилари баёнот эълон қилишди. Бу баёнотда улар жумҳуриятга ташқаридан ишчи кучлари меъёридан ошиқ келтирилаётгани, бу нарса жумҳуриятда аҳоли таркибининг мутаносиблигини бузишга олиб келишидан ташвишга тушиб, ҳукуматдан бунга йўл қўймасликни талаб қилган эдилар...

Саволларингизга, эҳтимол, бевосита жавоб бермаётгандирман. Бироқ, барча муаммо — дўстлик ҳам, байналмилалчилик ҳам, жумҳуриятдаги ишсизлигу бошқа жойлардан келтирилаётган ишчи кучлари ҳам,— энг аввало маънавий мустақиллик билан боғлиқлигига ишончим комил. Энг ишонган тоғимиз — жумҳурият раҳбарлигининг сўнгги беш-олти йил ичида қилган қўғирчоқлиги бошимизга тушган кулфатлар. Иттифоқ, ҳатто дунё миқёсидаги шармандагарчилигимиз — маънавий мустақиллик нақадар зарур эканлигига жуда муҳим далил эмасми?

— Яқинда мен ҳам шундай ачинарли ҳолнинг гувоҳи бўлдим. Телевизорда Фитрат тўғрисида кўрсатув берилди. Мухбир жуда кўп толибдан «Фитратни биласизми!» деб сўраган эди, биронтаси ҳам биламан, деб жавоб беролмади. Ваҳоланки, уларнинг ҳаммаси Фитрат оқланганидан кейин туғилган. Бунга нима сабаб! Биринчидан, сиз айтгандай, ўзимизнинг мулкни эмас, ўзгаларнинг мулкини қадрлашамиз сабаб. Маънавий мустақил эмаслигимиз, тўғрироғи, маънавий қул эканлигимиз сабаб эмасми!

— 1968 йилда «Тирик сатрлар» деган китоб нашр қилиниб, унга Чўлпон, Фитрат сингари қатағон қилинган шоирларнинг шеърлари киритилган эди. Китоб босмахонадан чиқди-ю дўконларга етмасданоқ бошига муаллифларининг куни тушди: тўппа-тўғри маънода жодига солиб қирқилди. Буни бугунги кунда Шароф Рашидов номи билан боғлаймиз. (Яхшиям Рашидов бор экан — ҳамма гуноҳни унга ағдарамиз. Қўрқмаймиз, чунки жавоб беролмайди). Гўё Рашидов бу китобнинг тайёрланаётганидан хабари бўлмагану (тасаввур қилинг: ҳатто бугунги кунда бундай ишлар жумҳуриятнинг биринчи раҳбарининг рухсатисиз бўладими?) китоб чиққанидан кейин билиб қолиб, жодига ташлатган... Ваҳоланки, бугун ҳам Чўлпону Фитратларнинг юзага чиқишига қарши адабиёт ва фан арбоблари, ҳар бир ҳаракатга «миллатчилик» тамғасини боса оладиган дастёрлар ўша пайтда ҳам бор, бунинг устига, анча кучли эдилар.

Демак, халқимизнинг бу қадар аянчли аҳволга тушиб қолишида унинг ҳалол меҳнат билан, оғир, қора меҳнат билан топган нонини еяётган бизлар — жонининг ҳузурини, иссиқ уй, тўкин дастурхонини, унвону нишондек арзон садақани, мансаб курсисини ўйлаб, ҳар қандай ялтоқликдан, ҳар қандай хизматдан, ҳар қандай мунофиқлигу ҳар қандай ёвузликдан қайтмайдиган зиёлилар, маданият, фан арбоблари, мансабдорлар айбдор.

—Лекин уларнинг юзига бирданига қора чаплаш, инсофдан эмас, менингча. Қаердадир ўқиган эдим: «Тарихини билмаган одам саводсиздир». Худди шу калтабинлар туфайли озор чекмадикмикин! Наврўздек қадимий байрамни ҳам ўшалар тақиқлаган эмасмиди!

— Бу саволга бирданига ҳа, деб жавоб беролмайман. Чунки, Наврўзни тақиқлаган одамларнинг ҳаммасини ҳам саводсиз деб бўлмайди. Улар шунчаки, мансаб курсиси учун ҳар қандай пасткашликка тайёр майда одамчалар эди. «Халқ душмани»

2

деганда биз фақат сталинча ифодани тасаввур қиламиз. Сталин замони ўтган экан, бу иборани ҳақиқий мазмунида ҳам ишлатса бўлар. Шундай экан, ҳақиқий халқ душманлари деб мен ўша одамчаларни айтган бўлардим. Ҳаёт оқимининг табиийлигини қаранки, уларнинг барчаси бугунги кунда қирғоққа итқитиб ташланди. Бу гапни уларнинг бугунги аҳволига кулишдан кўра кўпроқ бундан кейин ҳам саҳнага чиқиб қолиши мумкин бўлган «дастёр» мансабдорларга ибрат бўлсин, деб айтяпман. Ҳар ҳолда халқ билан ўйнашиб бўлмайди. «Сен тарихга милтиқдан ўқ узсанг, тарих сенга тўп отади», деган гапни унутмаслик керак.

— Гап тарих ҳақида бораётган экан, яна битта маумmo устида тўхталсак дегандим. Александр II даврида ташқи ишлар вазири этиб тайинланган А. М. Горчаков «Россиянинг келажаги Ўрта Осиёда» деб айтганди. Чор ҳукуматининг Ўрта Осиёни зўравонлик билан босиб олгани тарихий факт-ку. Аммо ҳақиқатни тан олиш ҳамон кимларгадир ёқмаяпти.

— Гап яна чайналса ҳам, маънавий мустақилликка бориб тақаладида. Олимларимизнинг, сиз билан бизнинг фуқаролик даражамизга бориб тақалади. Аслида-ку, кейинги пайтда ҳар жой, ҳар жойда Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олганлиги эътироф этиляпти. Аммо қўрқа-писа, минг ҳадиксираш билан эътироф этиляпти-да. Бутун зиддиятлар ошкораликнинг тўла етишмаслигидан келиб чиқаётганини билиб туриб, яна кўп нарсаларни сир қолида ушлашга ҳаракат қиламиз. Бутун кулфатимиз ана шунда эканини унутиб қўямиз. Бу гап, эҳтимол, раҳбарларга тегишлидир, бироқ сиз билан биз — зиёлилар нега ҳамма гапни очиқ айтмаймиз? Масалан, сизнинг рўзномангизни, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»ни яхши кўриб ўқишади. Лекин бизлар ҳақиқатни юз фоиз айтмаяпмиз, дея оласизми?

Иккита мисол. Рига шаҳрининг кечки рўзномаси «Ригас баллс»нинг (латиш ҳамда рус тилларида чиқади) ходимлари шаҳар фирқа қўмитаси раҳбарларининг талабига зид иш қилганликлари учун шаҳар фирқа қўмитаси рўзномасини ёпиб қўйди. (Тўғри, рўзнома кейинчалик шаҳар ижроқўмининг номидагина чиқа бошлади). «Аргументы и факты» ҳафталигининг 16-сонида Бутунитифоқ телевидениеси Ахборот бош редакциясининг Бош муҳаррири Э. Сагалаевнинг ёзишича, барча томошабинларнинг меҳрини қозонган «7 кун» кўрсатувини тиклаш учун раҳбарлар фақат А. Тихомиров чиқмаса розилик берамиз, дейишибди. Редакция ходимлари бу шартга кўнишмабди...

Мен бу мисоллар билан сизларни ҳам фақат исёнга чорламоқчи эмасман. Яна маънавий мустақиллик масаласига қайтиб, журналистларнинг ҳам касб, ҳам фуқаролик бурчи, унга садоқат масаласини эслатиб қўймоқчиман, холос. Мана СССР Олий Шўроси сессиясида матбуот ҳақидаги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

Гап журналистларга келиб тақалган экан, уларга ҳам бир гинамни айтиб кетай. Афсуски, журналистларимиз (юқорида тилга олинган рўзномалар, «Муштум» ҳамда сўзнигорнинг, хусусан «Оқшом тўлқинлари» эшиттиришларининг журналистларидан ташқари) на ижодий, на фуқаролик изланишларини намойиш қилишяпти. Улар, гўё қайта қуриш бўлмагандай, гўё ошкоралик йўқдай, ҳамон эски иш тартибида, яъни бир қолип асосида Москва журналистларидан нусха кўчириш асосидагина ишлашяпти. Нусха кўчириш бўйича, менимча, телевидение биринчи ўринда туради. Мана қаранг: Москвада «120 минут», Тошкентда «Ассалому алайкум», Москвада «Нигоҳ» Тошкентда «3-студия», Москвада «7 кун», Тошкентда «Ҳафтанома», Москвада «ШХК», Тошкентда «Қувноқлар ва зукколар» ва ҳоказо... Ҳатто Москвага қараб, кўрсатувни олиб борувчиларнинг ўтиришлари ҳам ўзгаради. Фақат сифат... сифатигина Москвага ўхшамайди, холос. Биронта ўзимизга хос кўрсатув ёки ойнасўз топишга қурбимиз етмас экан, биз қандай қилиб халқни маънавий мустақилликка ўргатамиз?

— Яна битта гап. Шу пайтгача Бактрия, Спитомен деб келдик. Аслида Бактрия — Боғи Турон, Спитомен эса Чапақай (Чаппа томон, Шеппе Таман) экан. Тарихимизнинг бузилган тилини тўғрилаб қўйиш пайтиб келганга ўхшайди.

— Бу ҳам яна ўзимизга, фақат ўзимизга, ўзимизнинг ватанпарварлик, фуқаролик бурчимизни қай даражада англашимизга боғлиқ. Бир ривоят. Бир киши «худо берса еймаи, бўлмаса ўламан» деб аҳд қилибдида, қирлик ортидаги жарга бориб ётибди. Бир кун ётибди, икки кун ётибди... Катта тўй бўлган экан, одамлар қолган-қутган нарсаларни олиб чиқиб, ўша жарликка улоқтира бошлашибди. Нарсалар ундан анча нарига бориб тушибди. Ҳалиги киши, ҳой менга ҳам ташланглар, дейин деса аҳд қилиб қўйган, индамаса, очликдан ўлади. Шунда секин йўталибди. Одамлар бу ерда бирон киши бор шекилли, деб у ётган томонга ташлашибди... Хуллас, худо берсин, деган одам ҳеч бўлмаса йўталиб қўйиши керак экан... Биз ҳам ҳеч бўлмаганда йўталишни ўрганишимиз лозим.

— Бир пайтлар ўзбек хотин-қизлари орасида ишчи, олима ва раҳбар-кадрлар етишиб чиқсин, дедик. Бу яхши ташвиқот эди. Аммо ҳамма яхши нарсанинг бир ёмон томони бўлади. Айниқса, зўракиликка йўл қўйилса. Мана шундай бўлар-бўлмас ура-уралар оқибатида хотин-қизларга унча-мунча зиён-заҳмат етди. Бу ҳақда нима дея оласиз!

— Ўзбек аёлининг аҳволи — юрагимнинг оғриғи. Нафақат менинг юрагимнинг оғриғи, жамиятимизнинг хусусиятини белгилаб турган омил ҳам. Аёл — ҳаёт манбаи, гўзаллик манбаи. Лекин биз уни қай аҳволга солиб қўйганмиз? Айниқса, қишлоқ жойларида. Шаҳарлик аёлларнинг ҳаёти кўнгилдагидек демоқчи эмасман, аммо қишлоқ аёлларининг ҳаёти, кўрган кунига асло

3

чидаб бўлмайди! Улар ўзларининг аёл эканлигини ҳам унутиб қўйишган гўё... Оғир, қора меҳнатдан бошқа нарсани билишмайди. Қизлар-чи? Шу пайтгача мадҳ этиб келганмиз «осмонўпар пахта хирмонлари» навниҳол қизларимизнинг нозик билаклари, нозик елкалари устида турганини ўйлаб кўрайлик... Бундан ўн беш йиллар бурун ёзган бир шеъримда мана бундай сатрлар бор эди:

Саратон оташида сароб қайнаган кезлар
Уриб кетгинг келади салқингина ёпоққа.
Шу оташнинг тиғида ғўза чопади қизлар,
Оғирлиги ўзидай кирза этик оёқда...

Хўш, орадан шунча вақт ўтиб, бугун бирон ўзгариш борми? Биз ҳуқуқий жамият барпо қилишга киришган эканмиз, бу ишни энг аввал аёлларимизга аёллигини қайтариб беришдан бошлашимиз лозим.

— Навоий даврига қараганда, ёзувчи, шоирлар билан китобхонлар орасида ҳозир узилиш пайдо бўлганга ўхшайди. Бунинг оқибатида маънавий бойлигимизга путур етмаяптимикин!

— Менимча, йўқ. Жойларда кўрамиз, одамлар ёзувчиларга катта қизиқиш, эҳтиром билан қарайди. Лекин бу гап ҳамма нарса кўнгилдагидек, деган маънони билдирмайди. Гап шундаки, одамларнинг китоб ўқишга вақтлари, ундан кейин... рағбатлари йўқ. Турмушнинг оғир юки уларни шу аҳволга солиб қўйган. Навоий бобо даврини эслайдиган бўлсак, шоиру ёзувчилар билан китобхонлар ўртасидаги алоқага эмас, ёзувчиларнинг ўзаро алоқаларига тўхталсак бўлади. Бу масалада, умуман Навоий бобо даврига тенглашиб бўлмайди. Ҳозир ёзувчиларимиз ўша пайтлардагидай мажлислар (бизнинг мажлисларимизни назарда тутаётганим йўқ, албатта) қилиш у ёқда турсин, Блокнинг ибораси билан айтганда, бир-бирига жилмайиб қараб, тескари ўгириладиган тиш қайрашгина эмас, тўппа-тўғри тиш қайраб қарайдиган бўлиб кетишган.

Сабабларидан бири юқорида айтилди: турмуш. Ўқийдиган китоблар кам, жуда кам бўлса-да, ҳар ҳолда бор. Лекин ёшлар, турмуш қийинчилигидан ташқари, турмушнинг енгиллаклиги, маънавиятсизлиги туфайли ҳам китоб ўқимай қўйишган. Ҳамма томонни бепарда видео, бепарда кино босиб кетган... Бу — жуда жиддий, ташвишли масала. Аммо, барибир ёзувчилардан ҳам айбни соқит қилиб бўлмайди. Юқорида айтдим, яхши китоблар кам бўлса-да, ҳар ҳолда бор. Бироқ масаланинг иккинчи томонини олиб қарайдиган бўлсак, ёмон китоб ниҳоятда кўп. Минг афсуслар бўлсинким, кўпчилик яхши китобни ёмон китобдан ажратолмайди. Бунга ҳам ёзувчиларнинг ўзи айбдор. Ош еб юрган одам бошқа овқатни баҳолай олади. Лекин умрида аталадан бошқа овқатни кўрмаган одам ёвғон шўрвани ҳам хурсанд бўлиб, мақтаб-мақтаб ичади. Биз ҳам ёмон китобларни кўпайтираверib, уларни мақтайвериб, китобхонларни, таъбир жоиз бўлса, аталахўр қилиб қўйганмиз. Юқорида Навоий даврини эсладик. Яқингиналарда ҳам шу пайтгача қоралаб келганмиз: эски мактабларда шеъриятнинг яхши намуналари ўргатилган. Одамлар, биз саводсиз бўлган деган одамлар кечалари йиғилишиб, навоийхонлик, фузулийхонлик, ҳатто бедилхонлик қилишган. Энди ҳозирги мактабларда адабиёт қандай ўқитилишини тасаввур қилиб кўринг...

— Бу ҳолни тузатиб бўладими!

— Бу ишни мактабдан бошлаш лозим. Ўқув дастури ҳозирча мавзу қурилиши жиҳатидан ҳам, савия жиҳатидан ҳам мутлақо талабга жавоб бермайди. Ўқитувчилар тайёрлаш ҳам кўнгилдагидек эмас. Бутун таълим-тарбия халқимизнинг миллий хусусиятлари, тарихимизни ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши керак. Халқимизнинг умри боқий бўлишини истасак, фарзандларимизни бутунлай халқ анъаналари йўлида тарбия қилишимиз шарт. Бунинг учун ҳозир имконият туғилди. Яна бир истагим: давлат тили тўғрисида Қонун қабул қилинган экан, шаҳарлардаги кўпчилик кинотеатрларда кинофильмлар фақат ўзбек тилида намойиш қилиниши керак. Бунинг моддий қийинчиликлари бор, албатта. Аммо, биз маънавий мустақилликка эришишни истар эканмиз, ҳар қандай қийинчиликка чидамасак бўлмайди. Кинофильмлар ўзбек тилида намойиш қилинишидан ташқари, Иттифоқ экранларида кетаётган ҳар қандай фильмни намойиш қилавериш шарт эмас. Бизнинг аҳлоқимиз, маънавиятимизга зид бўлмаган фильмларнигина танлаб олишимиз лозим. Бу гап телевидениега ҳам тегишли.

Яна бир гап. Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг 24-моддасидаги «...шаҳарлар, қишлоқлар... бошқа жуғрофий-ҳудудий ўринларнинг номлари... давлат тилида ёзилади», деган қоидага амал қилиб, масалан, Тошкентни рус тилида ҳам Ташкент эмас, Тошкент деб ёзишга ўтиш керак. Ахир шу пайтгача Таллин деб келинган шаҳримизни эстонларнинг талабига биноан Таллинн деб атайдиган бўлди-ку. Бу гап номлари бузилиб келаётган бошқа жойларга ҳам тегишли.

— Муштарийларимизга қандай истакларингиз бор!

— Ёш дўстлар! Сиз — халқимизнинг келажагисиз. Демак, халқнинг бундан кейинги тақдири сизга боғлиқ. Навоий бобомизнинг мана бу гапи умрларингизга дастур бўлсин: «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам!»

Тўлқин ҲАЙИТ суҳбатлашди.

4



Бепоён менинг Ватаним

Оренбурглик бир гуруҳ ёшларни қадимий пантомимо санъатига бўлган муҳаббат ягона бир дастага бирлаштирди. Бу даста Оренбург халқ ижодиёти илмий-методик марказида фаолият кўрсатади. Хўжалик ҳисоби ёшларнинг даста иқтисодиётини яхшилашида кўмак берди.

СУРАТДА: (чапда) ёш талантлар ижросидаги пантомимодан лавҳа.

* * *


Қамчатка мамлакатимизда ҳалигача ҳаракатланиб турувчи вулқонлар ҳамда зилзилалар маркази ҳисобланади.

Яқинда бу ерда парашютчилар, альпинистлар ҳамда авиаторлар иштирокида қизиқарли машғулотлар ўтказилди.

Биринчи маротаба узоқ шарқлик 12 нафар парашютчи «АН-2» тайёрасидан Мутновский вулкани (2046 метр баландликда) томон гуруҳ бўлиб сакрадилар. Энг мураккаб ҳамда хавфли вазият юзага келди. Шундоқ бўлса-да, парвоз муваффақиятли якунланди. (Ўнгдаги сурат).

В. БУШУХИН ва И. ВАЙНШТЕЙН суратлари. (ТАСС).





Қатордаги бир шоир

Шоир дўстим Султон Жаббор элликни қоралаган экан, икки оғиз илиқ гапни ёзишга қарор қилдим. Аввало бир авлод вакилларимиз. Ижодкор сифатида ютуғимиз, ками-кўстимиз кафтдек бир-биримизга аён. Келиб-келиб тенгқурлар дил сўзини бир — биридан дариғ тутса, унда кимдан ранжишингни ҳам билмай қоласан. Дастурхоннинг бошида ўз шаънингга айтилган мадҳу саноларнинг нечоғлик ёлғонлигини кунлар ўтган сайин ҳис қиласан.

Биз ҳамиша болалар адабиёти вакилларига эътибор йўқ деб аюҳаннос соламиз. Ўзимиз эса дўстларимизнинг қадди камолини кўтаришга суянчиқ бўлолмаймиз. Бунинг ҳаммасига дийдамизнинг қаттиқлиги сабаб. Ютуғидан кўра қусурли томонларини бўрттирамиз. Ана шу маънода Султон Жаббор кўпимизга ибратли бўла олади. Унинг шахсига шошқалоқлик, ўйламай — нетмай баҳо бериш ёт. Султон босиқ фикрлайди. Ками — кўстингни айтишга шошилмайди. Мен у билан« Ленин учқуни» рўзномаси даргоҳида ишладим. Яхши — ёмон кунларимиз бирга кечди. Билганим шуки, унинг «Анор» деган илк шеъри менинг машқларимдан олдинроқ эълон қилинган. «Жўр» деган достони ҳам олтимишинчи йилларда ҳаммамизда яхши таассурот қолдирганди.

Султоннинг «Зағчалар бозори» тўплами нашр қилингач, шу сарлавҳали шеърдаги

Бозор қилар зағчалар,
Зағчалар — беақчалар

сатрини ёд олиб шоирнинг ўзига нисбатан ишлатган кунларим ҳам эсимда.

Худо берган истеъдод ҳар кимда ҳар хил бўлади. Биров шовқин солиб адабиётга киради. Биров «яхши от кейин чопади» қабилида иш тутади.

Шу маънодами, ўта камсуқумликми, Султон ўттиз йиллик ижоди давомида иккинчи йўлни танлади. Суяш — суяшлар билан олдинга ўтишга уринмади. Аксинча устозим деганларига йўл бўшатди.

Рост. Болалар ижодкори бўлиш жуда оғир. Сафга кириши, тилга тушиши ундан-да баттар. Бироқ билиб — билмасликка олиб юриш ҳам гуноҳ бўлса керак. Йўқса, Султон Жабборнинг бу кунга қадар «Боғлар қўшиғи», «Офтобнон», «Севиниб яшайман», «Китоб меҳри», «Қувонч» каби бир қатор шеърий китоблари нашр қилинди. Адабий davраларда, йиллик ҳисобот йиғинларда бирорта мард буларни тилга олганини билмайман.

Султон шеъриятидаги менга манзур томони —у болалар ёшини ҳисобга олиб ёзади. Ҳозирги кунда болаларга ҳам ижтимоий гапларни айтайлик дегувчилар кўпайиб қолди. Мен бунга қарши эмасман. Фақат кичкинтойлар оламига қитмирликни олиб кирмайлик. Ахир болалар дунёси — беғуборликдан бошланади. Болаларни эртароқ пишириш кони зарар. Кейин унинг давосини тополмай қоламиз. Ана шу маънода болаларга турфаранг шеърлар керак.

Султон Жаббор деҳқон ўғли бўлгани учун унинг ёзганларида асосан табиат, меҳр, яхшилик, болаларга ишонч улуғланади. Кичкинтойлар орасидаги қусурлар эҳтиётлик билан танқид қилинади.

Ишонч билан айтаманки, унинг даста-даста китобларини ўқиган ўқувчиси, шу соҳадан нон еб юрган адабиётшунос дўстларимиз қаторда анча бақувват болалар шоири борлигини чўчимай айтадиган кун келди.

Мен эсам изма-из қадам ташлаб бораётган ижодкор тенгдошимга яшаш меҳрини, шеър сеҳрини тилайман.

Сафар БАРНОЕВ.

МЕҲРИБОН ДЎСТГА

Қиёфангда кўрдим
Хизрни,
Юз-кўзингдан зиё ёғилар.
Шодон этдинг мендай
дилгирни,
Тун бағримда машъал
ёқилар.
Берганинг йўқ олтину
кумуш,
Дастинг қисқа ўзим
сингари.
Бор бойлигинг жилмайиб
кулиш

Кўркам очиқ чеҳранг,
жигарим!
Муз эриди ўтли қуёшдан,
Жилванг кўчди
тани-жонимга.
Учди нохуш ўй-хаёл
бошдан,
Яшаш завқи тушди
қонимга.
Ўзи недан ғам босди
дилни, —
Унутибман барини,
кўргил:
Қиёфангда кўрдим
Хизрни,
Яна қўйдим ҳаётга
кўнгил!

ОМОН БЎЛСА

Омонмисан дарахтим?
Шох-шабангни чопган
ким?
Ўтин қилиб қуритиб,
Ёқиб баҳра топган ким?

Йиқолмаган вақт енгиб,
Кимлар кесиб кетмаган.
Курашасан бўй бермай
Яранг қонар, битмаган.

Дарахтим, ҳеч ўкинма,
Ҳақ қилади тантана:
Битар янги шох-бутоқ
Омон бўлса гар тана.

ЭРКИНЛИК

Новвот берсам суюниб,

Тулпор тойим кишнайди.

Фазога учаман деб,

Осмонга ирғишлайди.

Бойланмаган сира ҳам,

Йўқдир эгар, югани.

Эркаланар силасам,

Бахтдир эркин юргани!

Султон ЖАББОР.

Танишинг: кино юлдузлари

МИТХУН ЧАКРАБОРТИ



Жумҳуриятимиз кино ижодкорлари уюшмаси раҳбарларидан бири ўзбек ва ҳинд киночилари яратаётган янги фильмда бош ролни М. Чакраборти ижро этишини билдирганда беҳад қувонган эдик. Зеро, Ҳиндистон кинолентaларини қизиқиш билан томоша қиладиган халқимиз бу актёр қатнашган фильмларни айниқса қизиқиб кўради.

Митхун Чакраборти ҳақида мамлакат, жумҳуриятимиз матбуотида катта-кичик мақолалар кўп бор эълон қилинган. Актёр фаолияти, шахси, ҳатто оиласига бўлган қизиқиш эса тобора ортяпти. Митхуннинг таъкидлашича, баъзан саноқсиз мухлислари унинг ҳаёти ҳақида ўзидан кўпроқ биладиганга ўхшайдилар.

Хуллас, Чакраборти ижросидаги фильмлар ҳеч эътибордан четда қолмайди. «Диско раққоси» фильми айниқса санъаткор ҳаётида кескин бурилиш ясади. Уни дунё таниди, тан олди. Бизнинг кинотеатрларимизда ҳам 4 — 5 ҳафталаб фақат шу кинофильм намойиш этилган пайтлар бўлган. Машҳур Радж Капур асарларидан кейин ҳеч қайси лента томошабинларни бу қадар жалб қилмаган бўлса керак. Кейинчалик М. Чакраборти иштирокидаги «Уч мушкетёр» сингари, «Рақсга туш», «Эҳром хазинаси» каби фильмларни кўриб қолдик. Ҳар сафар унинг актёрлик маҳорати, рақс санъатига тан бердик.

Бир неча ҳафта аввал Чакрабортининг Тошкентга келиши ҳинд киноси мухлисларини лоқайд қолдирмаган бўлса керак.

Биз ҳам режиссёрлар Л. Файзиев ва Умеш Мехра томонидан яратилаётган «Шикор» номли бу янги фильмни суратга олиш майдончасида актёр билан учрашдик.

— Тошкентдан олган таассуротларингиз ҳақида сўзласангиз!

—Тошкент ҳақида бир нарса дейиш қийин. Лекин шаҳрингиз одамлари менга жуда ёқди. Қалбан яқин эканмиз.

— «Алибобо ва қирқ қароқчи», «Севги афсонаси» фильмларида Дхармендра Хема Малини, Зинат Омон, Санжи Деол каби таниқли актёрлар иштирок этишган. Сиз эса ўзбек киночилари билан биринчи марта иш олиб боряпсиз. Шу борада нима дея оласиз?

— Ҳозир ишимизга баҳо бера олмайман. Кейинчалик совет — ҳинд (жумладан, ўзбек) кинематографчилари томонидан суратга олинадиган фильмларда қатнашишим ҳам кўп жиҳатдан «Шикор»нинг томошабин томонидан қандай кутиб олинишига боғлиқ.

Фильмда М. Чакрабортидан ташқари Насриддин Шоҳ, Мурод Ражабов, Обид Асомов сингари ҳинд ва ўзбек актёрлари қатнашишади. Митхуннинг маҳбубаси ролини эса москвалик цирк артисти Ирина Кисиарёва ўйнайди.

— Албатта, Ирина моҳир циркчи, актриса эмас. Бироқ мутахассис бўлмаганлар билан ишлаш қийин бўлмаяптими!


— Йўқ, Ирина жуда қобилиятли экан. Биз тезда тил топишдик. Фикримча, у ролга жуда мос.

Айтишларича, саҳнада турли актрисалар билан ўйнайдиган кино юлдузлари касбдошлар орасидан турмуш ўртоғи танлашликка ҳаракат қилар эканлар. Гарчи, уларни биргаликда экранларимизда ҳали учратмаган бўлсак-да, Митхуннинг рафиқаси ҳам кино санъаткори. Балки, йиллар ўтиб унинг 6 ёшар ўғли Чакраборти сулоласининг муносиб давомчиси бўлар. Ким билади, дейсиз?

— Ҳиндистонликлар Тошкент кинофестивалларининг доимий меҳмонлари. Сизнинг номингизни ҳали улар қаторида учратмаганмиз!

— Афсуски, Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивалига келишимнинг ҳеч иложи бўлмади. Ушбу фильмни суратга олиб бўлсак, шароит тақозо қилса, шу йил кузда бўладиган Тошкент фестивалига албатта келишга ҳаракат қиламан.

Хайрлашиш олдидан Митхун Чакраборти «Ёш ленинчи» рўзномаси ўқувчилари, ўзбек дўстларига дастхат ёзиб бериб, қўшиб қўйди: — «Айтишим мумкин бўлган ягона нарса — ҳаммангизни жуда яхши кўраман».



Юлдуз ҲОШИМОВА,
Тошкент Давлат дорилфунуни Шарқшунослик куллиёти талабаси.



ИТАЛИЯ '90

МАҒЛУБИЯТДАН БОШЛАНДИ

Жаҳон чемпионатида кучсизлар бўлмаслиги дастлабки ўйинларданоқ исботланди. Аргентина футболчилари Камерун командаси билан бўладиган ўйинда ютқазиб қўйишига олдиндан ким ҳам ишонарди. Бироқ, чемпионлар майдондан бош эгиб чиқиб кетишларига тўғри келди. Ҳатто Марадона ҳам ўз командасига ёрдам беролмади. Камерун 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

СССР терма командаси биринчи ўйинни Румыния вакиллари билан ўтказди. Очиғи, бу учрашувда ҳам совет футболчилари енгилишига кўпчилик ишонмаганди. Афсуски, командамиз ўз дарвозасидан иккита тўп ўтказиб юбориб, рақиблар дарвозасига бирорта ҳам тўп киргиза олишмади. Имкониятлар эса бор эди. Протасов жарима майдончасига ёриб кириб, зарб билан тепган тўпини Руминия дарвозабони Лунг маҳорат билан қайтариб қолди. Сўнгра Заваров янада яхши имкониятни бой берди. У ҳимоячини алдаб ўтиб, 12 — 13 метр масофадан тепган тўпини яна дарвозабон қайтарди. Алейников ҳам дарвозабонни чалғита олмади.

Биринчи бўлим охирларида ҳимоячиларимиз назаридан четда қолган Лэкэтуш Дасаев қўриқлаётган дарвозани моҳирлик билан нишонга олди. Ана шундан сўнг, ўйин бир мунча жонланди. Бироқ, ҳимоя чизиғига яқин жойда Хидиятуллин тўпни қўли билан қайтариб юборди. Уругвайлик ҳакам Карделино эса пенальти белгилади. Лэкэтуш яна Дасаевни доғда қолдирди. Бу гол футболчиларимизни узил-кесил саросимага солиб қўйди. Рақиблар учинчи тўпни киритишларига ҳам оз қолди.

Чемпионатнинг бошқа учрашувлари натижалари: Бразилия — Швеция — 2:0, ГФЖ. — Югославия — 4:1, Колумбия — Бирлашган Араб Амирликлари — 2:0.

«ПАХТАКОР»— «ГЕОЛОГ»—2:0

Мана бир неча кундан бери футбол ишқибозларининг куни «туғди». Италияда бошланган чемпионатнинг қувончли ҳамда аламли хушхабарлари Ўзбекистонда ҳам кезиб юрибди. Футболни жону-дилидан суйган одам билади унинг ташвиши-ю, севинчини. Айниқса, куни кеча мамлакатимиз терма командасининг руминияликларга ютқазиб қўйгани жуда ёмон бўлди. Майли, на илож!..

Аммо бу ёқда «Пахтакор»имизнинг навбатдаги ғалабаси ўксик кўнгилларимизга сал бўлса-да, таскин берди. Футболчиларимиз иккала бўлимда ҳам ташаббусни қўлдан беришмади. Мезбонларнинг кетма-кет уюштирган шиддатли ҳужумлари, кутилмаган комбинациялари меҳмонларни анча шошириб қўйди. Азаматнинг хизмати зое кетмади. Ўн бир метрлик жаримани Игорь Шквирин қойиллатиб бажарди. 64-минутда ҳимоячи Илҳом Шарипов дарвозани аниқ нишонга олди. 2:0. Бу ҳисоб ўйин охиригача сақланиб турди.

Ҳозирги кунда командамиз ўйинларида анча ижобий ўзгаришлар сезиляпти. Ҳимоячиларимизга ишонсак бўлади, ярим ҳимоячилар ҳам анча тажрибали. Фақат ҳужумда ҳали ҳам сал сусткашлик бор...

Энди ҳамюртларимиз сафарда ҳам ана шундай кайфиятда ўйнашса борми, олий лига остонаси бир ҳатламлик масофада! «Яхши ният — ярим давлат» дейдилар.

Олдинда эса «Спартак», «Котайк, «Тирас», «Таврия» билан бўладиган учрашувлар турибди...

ТВ

13 ИЮНЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Пионерлар ёзи». Болалар учун фильм-концерт. 12.00 «Уйга қайтди». Бадиий фильм («Мосфильм»).

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Абитуриент-90». Биология. 18.10 «Шоирлар — болаларга», Муҳаммад Раҳмон. 18.50 «Маорифимиз муаммолари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Сувости изланишлари». Телефильм. 20.00 Москва. «Вақт». 20.30 Тошкентда Ўзбекистон вилоятлари ва ҚҚАССР маданияти кунлари. Ойнаижаҳонда — Самарқанд. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Зудов, ишдан бўшатилдингиз». Бадиий фильм («Мосфильм»). 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

17.40 «Болеро». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзкинохроника»). 18.05 «ДОСААФ — мардлик майдони» (рус тилида). 18.35 «Ягона йўл». Бадиий фильм (СССР — Югославия).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.00 Москва. «Вақт». 20.30 «Санъат усталари». Композитор Шарифиддин Сайфиддинов. 21.00 «Доривор ўсимликлар». Телетомошабинларнинг саволларига табиб Ҳомиджон Зоҳидов жавоб беради. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Ахет дехот» театржурнали. 23.00 «Кичик бир шаҳарда». Бадиий фильм.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.30 «Йил фасллари». Июнь. 9.00 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 16-серия. 10.00 Телевизион ҳужжатли фильм. 11.00 «Дунё бўйлаб». Альманах. 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.45 «Дўстлик меридианлари». Вауман номли Москва давлат техника билим юрти «Гаудеамус» ҳамда Брауншвейг шаҳридаги «Камерата вокале» (ГФЖ) ёшлар хорларининг концерти. 16.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.00 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 17-18-сериялар. Премьера. 20.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 20.30 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 20.35 Сиёсий мулоқотлар. Россия партия конференецияcига. 22.05 СССР халқ артисти М. Магомаев куйлайди. 23.05 «Йиллар оша учрашув». Радио ва тележурналист Ю. В. Фокин ижоди ҳақида телевизион очерк. 23.35 Давомли суҳбат. Кинорежиссёр А. Кончаловский билан учрашув. 00.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати. 00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Аргентина — СССР терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бельгия — Жанубий Корея терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади. 9.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Голландия — Миср терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади. 10.15 «Қувноқ карусель». Мультфильм. 2-сони. 10.25 Болалар учун фильм. «Дайди Расмус». 2-серия. 11.40 Кусковода рус мусиқаси телевизион фестивали. 3-кўрсатув. 12.15 Такрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 5-фильм — «Қирқ биринчи йил». 2-серия.

* * *

17.30. Киноабонемент. «Тақдир тақозоси». Бадиий фильм. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Сеҳргар Юнин». 19.45 «Тисса қўшиқлари». Мусиқий телефильм премьераси (Венгрия). 20.00 Информацион программа. 20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Уругвай — Испания терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади. 23.00 Информацион программанинг давоми.

(Рўзномамизнинг навбатдаги сони 14 июнда чиқади).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 03300. Д. — 23482.